

**Мамаджанов Абдушохид Бахромжанович**

*Наманган мұхандислик педагогика институты, Электроэнергетика кафедраси асистенти*

**Эргашев Дониёр Йулдошвой ўғли**

*Наманган мұхандислик педагогика институты талабаси*

**Махкамов Ҳуршид Қаҳрамонович**

*Наманган мұхандислик педагогика институты талабаси*

**Мамаджанов А.Б**

*ассистент кафедры «Электроэнергетика», Наманганский инженерно-педагогический институт*

**Эргашев Д.Й**

*студент Наманганский инженерно-педагогический институт*

**Махкамов Ҳ.Қ**

*студент Наманганский инженерно-педагогический институт*

**Mamadzhanov A.B**

*assistant of the department «Electric Power Engeneering», Namangan Engineering Pedagogical Institute*

**Ergashev D. Yu**

*student Namangan Engineering Pedagogical Institute*

**Mahkamov H.Q**

*student Namangan Engineering Pedagogical Institute*

## ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДА ЭНЕРГИЯ НАЗОРАТИ ВА ҲИСОБЛАШНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМЛАРИ(ЭНҲАТ)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

## МЕТОДЫ ОРГАНИЗАЦИИ АВТОМАТИЗИРОВАННОЙ СИСТЕМЫ КОНТРОЛЯ И УЧЕТА ЭЛЕКТРОЭНЕРГИИ (АСКУЭ)

### В СИСТЕМЕ ЭЛЕКТРОСНАБЖЕНИЯ METHODS OF AUTOMATED CONTROL SYSTEM AND METERING (AMR) IN THE POWER SUPPLY SYSTEM

**Аннотация.** Маколада электр таъминот тизимида АСКУЭ ни ташкил этиш усуллари көлтирилган.

**Калит сўзлар:** АСКУЭ тизими, электр энергияни хисоблаш, самарадорлик, энергия тежамкорлик, АСКУЭ ни ташкил этиш.

**Аннотация.** В статье приведены методы организации АСКУЭ в системе электроснабжения.

**Ключевые слова:** система АСКУЭ, учет электроэнергии, эффективность, энергосбережение, организация АСКУЭ.

**Summary.** The article presents the methods of organization of electricity metering in the system.

**Key words:** system of automated control and accounting of electric power (SASAEP), electricity accounting, efficiency, energy saving.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каимовнинг «Иктисолиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-кувватлаш, уларнинг баркарор ишланиши таъминлаш ва экспорт потенциалини кўпайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»

2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармонини бажариш юзасидан, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар, шахарлар ва кишлеклар истеъмолчилари томонидан электр энергияси истеъмолини хисобга олиш ва назорат килиш тизимини такомиллаштириш

максадида Вазирлар Махкамаси карор кабул килган. Унда:

- электр энергияси истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизимини бўйича бошланғич лойихалар амалга оширилиши;
- электр энергияси истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш инвестиция лойихаси ишлаб чиқилганини кўрсатиб ўтилган.
- электр энергияси истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида хўжалик юритувчи субъектларга электр энергиясини хисобга олишнинг замонавий электрон асбобларини ўрнатиш белгиланган;
- электр энергияси истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида майший истеъмолчиларга электр энергиясини хисобга олишнинг замонавий электрон асбобларини ўрнатиш белгиланган ва бунган мос режа тасдикланган. Белгилаб кўйилган;
- майший истеъмолчиларга электр энергияси истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизимида уланадиган электр энергиясини хисобга олишнинг мавжуд асбобларини алмаштириш ва замонавий электрон асбобларини ўрнатиш «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналарининг ўз маблағлари хисобига амалга оширилади;
- хўжалик юритувчи субъектларга электр энергиясини хисобга олишнинг мавжуд асбобларини алмаштириш ва замонавий электрон асбобларини ва аппарат комплексларини ўрнатиш уларнинг ўз маблаглари хисобига амалга оширилади;
- Электр энергияси истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизимида уланган истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш олдиндан тўланган хак доирасида электр таъминоти бўйича икки томонлама шартнома асосида амалга оширилади.

Ушбу қарор юзасидан, биринчи навбатда, замонавий ресурс ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий қилиш хисобидан иқтисод қилиш тартибини қатъйлаштириш кўзда тутилмоқда. «Ўзбекэнерго» давлат аксиядорлик компаниясидан маълум қилишларича, мазкур тармоқда энергия тежайдиган технологияларга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозир электр энергиясини истеъмол қилишни автоматлаштирилган хисобга олиш ва назорат қилиш тизими босқич-ма-босқич жорий қилинмоқда [1–3].

Мамлакатимизнинг йирик ишлаб чиқариш ва иммий-техника салоҳиятига эга энергетика тармоғи иқтисодиётни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Энергетика тармоғининг асосий стратегик вазифаси мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳолисини


самарали, ишончли, сифатли энергия билан таъминлашди. Шу боис иқтисодиётни зарур энергия қуввати билан таъминлаш биринчи даражали масала бўлиб, бу ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, замонавий электр техника ускуналари, янги технологиялар, ахборот-ўлчов техникасини жорий қилиш орқали энергияни тежаш чора-тадбирларини амалга оширишни тақозо этади. Янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва мавжуд энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни назарда тутадиган энергияни тежаш сиёсатини изчил амалга ошириш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтириш, иқтисодиёт тармоқларида техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш имконини беради [2].

Ушбу муҳим вазифаларни бажариш мақсадида «Ўзбекэнерго» давлат аксиядорлик компанияси ва Чехиянинг «Ineson Power-Sitronics» компаниялари консорсиуми ўртасида Ўзбекистонда электр энергиясини истеъмол қилишни автоматлаштирилган хисобга олиш ва назорат қилиш тизимини амалга ошириш бўйича стратегик шериклик тўғрисида меморандум имзоланди. Корхоналар, хўжалик субъектлари ва майший истеъмолчиларга ушбу тизимни жорий қилиш технологик йўқотишларни камайтириш, барча электр ресурсларини етказиб бериш тизими бўйича аниқ хисоб-китоб олиб боришини таъминлайди. Тизимнинг қулай ишлаш тартиби ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш имконини беради. Лойихани бир йил давомида амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, унинг қиймати 34,8 миллион АҚШ долларини ташкил қиласди. Мазкур лойиха йилига 2,75 миллиард киловатт-соат электр энергиясини тежаш ҳамда ҳар йили 1,9 миллион тонна СО<sub>2</sub>-буғона газларини кисқартириш имконини беради. Тежалган энергия қиймати йилига 125 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

«Ўзбекэнерго» ДАК фаолиятини такомиллаштириш ва истеъмол қилинаётган электр энергияси хисоби интизомини мустаҳкамлаш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорга кўра, 2012–2017 йилларда, халқаро молия муассасаларининг молиявий қўмагида, Тошкент шаҳрида, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Наманган ва Тошкент вилоятларидаги жисмоний ва юридик шахсларда замонавий электр хисоблаш қурилмаларини Электр энергияни назорат қилиш ва хисоблаш автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ) таъбиқ этилмоқда. Куйида электр таъминот тизимида АСКУЭни ташкил этиш усууллари келтириб ўтилган.

### **ЭНҲАТни бевосита симли алоқа схемаси**

ЭНҲАТни бевосита симли алоқа схемаси энг содда ва энг кўп тарқалган схема тури ҳисобланади. Ку-



1-расм. ЭНХАТни бевосита симли алоқа схемаси

рилмаларга кам сарф-харажат бўлган ҳолда, корхона энергетиги реал вақт оралиғида барча цехлар ва бўлимлардаги электр энергия истеъмолини кузатиш имкониятига эга бўлади.


Бундай схемалар асосан ўрта ва кичик қувватли корхоналар электр энергиясини техник хисобга олишни автоматлаштириш учун қўлланилди. Хисоблагичларни компьютерга улаш RS232/485 адаптер орқали стандарт ташқи таъсирлардан ҳимояланган UPT5sat тармоқ кабели ёрдамида амалга оширилади. Бунда 32 тагача хисоблагичларни битта гурухда бирлаштириш мумкин, линиянинг узунлиги 1200 м гача малумотларни узатиш тезлиги 115200 Кб/с гача бўлиши мумкин [2].

### ЭНХАТни модем алоқали схемаси


ЭНХАТни модем алоқали схемасини қуришда хар доим самарали ишлайдиган АИЖ ҳамда, электр энергия ҳисоблагичи атрофида сифатли ракамли телефон линиясини бўлиши назарда тутилади.

### ЭНХАТни GSM модемли схемаси


ЭНХАТни GSM модемли схемасини қуриш жуда кулай ва бу схемалар осон ишлатилади. Бундай схема АИЖ дан хисоблагичлар қандай масофада жойлашувидан қатъий назар, электр энергиясини хисобга олишининг автоматлаштирилган тизимини яратиш имкониятини беради. «Altair JR» дастурий таъминоти ҳамда GSM модем ўрнатилган исталган АИЖдан хисоблагичлардаги маълумотларни олиш имконини



3-расм. ЭНХАТни GSM модемли схемаси



2-расм. ЭНХАТни модем алоқали схемаси



4-расм Маълумотларни узатиш модули базасидаги ЭНҲАТ схемаси

беради. Шундай қилиб, малумотларни корхона энергетигининг ҳамда юкори поғоналардаги АИЖлардан маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш имконияти яратилади.

#### **Маълумотларни узатиш модули базасидаги ЭНҲАТ схемаси**

TC-485 маълумотларни узатиш модули базасидаги ЭНҲАТни қуриш корхона энергетиги локал АИЖдан тўғри симли алоқали ЭНҲАТ бўйича ва вилоят энергия таъминоти корхонаси АИЖ дан GSM канали орқали ҳисоблагичларда сақланаётган ахборотлар тўғрисида малумотларни олиш зарур бўлган ҳолларда оптимал ечим ҳисобланади.

Электр энергия истеъмолчилида мавжуд эски ҳисоблагичларни замонавий кўп функцияли электрон ҳисоблагичларга алмаштириш ва электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)га улаш энергия таъминоти корхоналарининг иқтисодий ҳолатини яхшилайди. Электр энергиясини аниқ ва тўғри ҳисобга олиш, энергиядан самарали ва оқилона фойдаланиш даражасини оширади, ҳамда истеъмолчилар томонидан электр энергиясидан самарасиз ва беҳуда фойдаланилишнинг олди олинади. Бу эса ўз навбатида, республикамизнинг энергетик салоҳиятини янада ошириш имкониятини яратади ва давлат бюджетига катта микдорда фойда келтиради [4].

#### **Адабиётлар**

- Системы АСКУЭ: учебное пособие / А. Н. Ожегов. — Киров: Изд-во ВятГУ, 2006. — 102 с.
- Мамаджанов А. Б., Шарипов Ф. Ф. об эффективности при внедрении автоматизированной системы контроля и учета электроэнергии (АСКУЭ) в системе электроснабжения.
- Методическая разработка по учебной лаборатории «Автоматизированная система контроля и учета электроэнергии» / А. Д. Таслимов, Д. А. Рисмухаммедов, — Ташкент, ТашГТУ, — 2011. — 31 с.
- [www.uzbekenergo.uz](http://www.uzbekenergo.uz)